

Кластерлар фаолиятини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда. Юртимизда етиштирилаётган 80 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мевасабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ўтган қисқа вақтда ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича тақлифлар шакллантирилди.

Йиғилишда мазкур кластерларнинг режадаги қувватлари, инвестиция миқдори ва экспорт ҳажми бўйича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, кластерлар томонидан қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йилда 410 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, хорижий экспертлар хулосаси асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғлик ва кўчатларни ҳозирдан тайёрлаш, Молия вазирлигига кластерларни айланма маблағлар билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

“Ўзбекөзиковқатҳолдинг” компанияси кластерларга янги бозорлар топиш ва экспорт қилишда доимий равишда амалий ёрдам бериб бориши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат режасини босқичма-босқич бекор қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида шундай деган эди: “Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”.

Бу соҳада давлат аралашувини кескин камайтириш билан бирга ҳокимларнинг режа ортидан қувиш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш амалиётига бутунлай чек қўйди.

Бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилдир. Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача

мерларга кооперация ташкил этиш учун берилади, қўшимча қийматдан тушган даромад кооперация аъзолари — фермерлар ўртасида тақсимланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги кластерлар ва фермерларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.


Пахта етиштиришни молиялаштиришнинг амалдаги тизими кластерлар билан ишлашга мослашмагани қайд этилди. Шу боис кластерлар ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пахта ва ғалла бўйича давлат режасини бекор қилиш, экинларни мажбурий жойлаштириш тартибидан 2023 йилгача босқичма-босқич воз кечиш бўйича жорий ва келаси йилда амалга ошириладиган тадбирлар атрофида кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА.

Давоми 2-бетда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

қишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, Ўзбекистон спортчиларини халқро спорт мусобақалари, шу жумладан, **Пекин шахрида (Хитой) 2021 йилда бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинлари** ҳамда **2022 йилда ўтказиладиган XXIV қишки Олимпия ўйинлари**га тайёрлаш ва ушбу мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида назарда тутилдиган маблағлар;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. **2023 йил 1 январга қадар** Қишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, қишки спорт турлари бўйича профессионал клублари ва нодавлат болалар спорт мактаблари:

мол-мулк солиғи ҳамда жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассисларнинг даромадларига **ижтимоий солиқ ставкаларини 50 фоизга камайтирилган** ҳолда тўлайди;

қишки спорт турлари бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган **спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари ва махсус профессионал спорт кийимлари, транспорт воситалари**, шу жумладан, махсус транспорт воситаларини олиб қирганлик учун **божхона божи тўлашдан озод қилинади**.

Белгилансинки, мазкур банднинг учинчи хатбошидаги имтиёз ва шартлар Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва унинг ҳузуридаги

ташкилотлар, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳам татбиқ этилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

2020 — 2023 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳудудларда халқро стандартларга жавоб берадиган замонавий спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган **енгил конструкцияли ёпиқ муз қопламали майдонларни қуриш;**

қишки спорт турлари бўйича хорижий мутахассис ва тренерларни ишга жалб қилиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда **хизмат уйлари сифатида уй-жой ажратиш** тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиладиган ёпиқ муз қопламали майдонларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари мажбурий тартибда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига 2020/2021 ўқув йили учун ажратилган **қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда қишки спорт турлари учун ўрин ажратилишини таъминласин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига **қишки спорт турлари кафедрасини ташкил қилсин;**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 2020 йилнинг якунига қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги “Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази” давлат корхонасининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Белдирсой” спорт базасида халқро ва республика даражасидаги мусобақаларни ўтказиш учун енгил конструкцияли бино ва иншоотлар барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, дор йўлини замонавий анжом, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциацияси ва Ўзбекистон хоккей федерацияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг хорижда таълим олиш, стажировкадан ўтиш ва

малака ошириш дастурлари бўйича очиқ стипендия танловларида қишки спорт турлари бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби ва тренерларнинг фаол иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган “Пахтакор” спорт базасини реконструкция қилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда зарур марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимити белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистонда қишки спорт турларини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳа учун малакали тренерларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган илмий-амалий лойиҳалар танловини ташкил қилсин.

8. Қишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, қишки спорт турлари бўйича профессионал клублар ва нодавлат болалар спорт мактабларига **олти ойдан кўп бўлган мuddатга тузилган шартномалар асосида жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти** деб ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги “Оромгоҳ” давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини тегишли ҳудуди билан биргаликда Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини белгиланган тартибда топширилишини, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қабул қилиб олишини ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. **Давлат рақс ансамблининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:**

Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий мактабларга хос анъаналарни, моҳир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш;

миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари “олтин фонди”ни яратиш;

халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аждоқлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадийий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

рақс ва хореография санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этиш, истеъдодли ёш балетмейстерларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш;

миллий рақс ва хореография санъати соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари асосида замонавий рақс композицияларини санжалаштириш;

миллий рақс санъатини мамлакатимизда ва хорижий давлатларда кенг тартиб қилиш мақсадида Давлат рақс ансамблининг миллий ҳамда жаҳон халқлари рақсларидан иборат дастурлари асосидаги гастроль-концерт фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Куйидагилар:

“Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли” давлат муассасасининг тузилмаси 1-иловага;

“Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат рақс ансамбли фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; халқро молия институтлари ҳамда донор ташкилотларнинг грантлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда Давлат рақс ансамблига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағлар унинг ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратилади.

5. Давлат рақс ансамбли артистлари ҳамда бадийи ҳодимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сон “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармонининг амал қилиши, артистлар ҳамда бадийи ҳодимларнинг аввалги иш жойларида узоқ мuddат хизмат қилгани сақлаб қолинган ҳолда, татбиқ этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат рақс ансамблини сақлаш харажатлари 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси республика бюджети доирасида назарда тутилади; Давлат рақс ансамбли қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, концерт-томоша фаолиятини тегишли лицензия олмасдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида концерт-томоша тадбирларини бир марталик руксатнома олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Давлат рақс ансамблининг директори ва бадийи раҳбари

Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

7. Давлат рақс ансамблига:

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 та енгил автотранспорт воситаси учун маблағ ажратилиши;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 та автобус ва 1 та юк автотранспорт воситасини харид қилиш ҳамда сақлаш учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Давлат рақс ансамблининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижодкорлари ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида **доимий равишда ҳоимийлик ёрдами кўрсатишни назарда тутувчи “Дўстлар клуби”ни ташкил этиш** бўйича берган тақлифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз тизими учун бюджетдан ажратилган йиллик маблағлар доирасида доимий равишда Давлат рақс ансамблига “Тошкент расида эшитириш уйи”даги овоз ёзиш студиялари ва техник воситалардан текин фойдаланиш ҳамда Давлат рақс ансамбли томонидан ижро этиладиган рақсларга бастанланган мусиқий асарларни ёзиб олиш, эфирга узатиш ва тарғиб қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун мuddатда Давлат рақс ансамблини жойлаштириш учун бино ажратиш, бинони реконструкция қилиш ва зарур воситалар билан жиҳозлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини туьдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

рақс санъатига иқтидори бўлган ёшларни жойларда саралаб олиш, уларни қасбга йўналтириш ва хореография таълими соҳасида узвийликни таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илгор ютуқларни татбиқ этиш;

ўқувчиларни келгусида рақс йўналишидаги олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириши ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун ихтисослик фанларини чуқурлаштирилган ва қасбга йўналтирган ҳолда сифатли ўқитиш;

ўқитиш жараёнига етуқ ва малакали рақс санъати мутахассисларини жалб қилиш ва уларнинг самарали меҳнат фаолияти олиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Академия Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) мактаб-интернатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигида шахсий газна ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр, штамп ва бланкага эга бўлади;

в) ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларда таълим 1 — 4-синфларда, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 1 — 11-синфларда олиб борилади;

г) ўқишга қабул ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларга 1-синфдан, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 1 ва 5-синфлардан амалга оширилади.

4. **Ўзбекистон давлат хореография академияси, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар Академия ва мактаб-интернатларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб ҳисоблансин:

а) Академияда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари; халқро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) мактаб-интернатларда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари; халқро молия институтларининг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббусини** Академия ва мактаб-интернатларда амалга ошириш тартиби ва чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Талаба ва ўқувчилар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув ва маънавий ҳаётидаги муаммолни масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар қуриш Академия ва мактаб-интернатлар барча раҳбарларининг, профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда Академия ва мактаб-интернатларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ижодий фаолигини янада ошириш, таътил давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида **Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида замон талаблари асосида 50 ўринли оромгоҳ ташкил қилсин ва унинг биносини 2021 йил 1 июлга қадар фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.**

Оромгоҳда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари бўйича:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси — бюртмачи этиб белгилансин;

б) бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари натижасида аниқлансин;

в) молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимият-лари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Молия ва-зирлиги билан келишган ҳолда 2021 йил 1 августга қадар ихтисос-лаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари бинола-рини тўлиқ реконструкция қилиш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларининг молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) икки ой мuddатда:

ҳалқондагилор тажрибани атрофлича ўрганган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини, асосан, мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тадиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган, шу жумладан, хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий ҳодимлар, шунингдек, соҳанинг салоҳиятини етуқ мутахассислари — амалиётчилар орасидан шакллантириш;

республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда рақс санъатини ўқитиш фаолиятини янада ривожлантириш;

рақс санъатининг ижодий, илмий-услубий ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносиб давом эттириш, бунда таълим муассасаларига моҳир рақс усталарини бикиртириш ва шу асосда “Устоз — шогирд” мактабларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия ва мактаб-интернатларнинг раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари таркиби фаолиятининг самаралдорлигини таъминлаш мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизимини жорий этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлар учун мўлжалланган ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатла-рининг самарали фаолият кўрсатишини, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлашини ҳамда малакали педагог-кадрлар билан таъминласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари дарслиқлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бадийи адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маффаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида **Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биносини реконструкция қилиш ишлари учун зарур капитал қўйилма маблағларини назарда тутсин.**

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА АКС ЭТИШИ ЗАРУР

Микромолиявий хизматлар ҳажми ортади

Депутатлар дастлаб **“Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида**”ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқди.

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, микромолиялаштиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш бўйича кўрилатган чораларнинг ҳаётийлигини таъминлашга қаратилган.

Депутатлар муҳокамадаги қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирди. Уларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатда ушбу хизматларнинг сезиларли даражада кенгайишига ёрдам беради.

Бу нима учун керак? Халқ вакилларининг фикрича, микромолиялаштириш қонунчилигини такомиллаштириш энг яхши ҳорижий амалиёти тәҳлил қилишнинг тақозо этади. Шу жумладан, масофадан туриб хизмат

кўрсатиш имкониятларини жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва мазкур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республикада микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишлари бўлиши лозим.

Қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартишлар, депутатлар томонидан қайд этилганидек, аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлов қобилиятини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг ошишига ёрдам беради.

Ишлар судьяларга фақат автоматик равишда тақсимланади

Парламент қўйи палатасига биринчи ўқишда тақдим этилган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси** муҳокамаси қизгин кечди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини энгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар қайта кўриб чиқилиб, эскирган, бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида юртимизда ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ишлаб

чиқилган мазкур қонун лойиҳасида суд тизимида қатор ислохотлар амалга оширилиши, ҳар хил чалқалиқларга олиб келаётган инсон омили фактларини бартараф этиш белгилашмоқда. Хусусан, суд раислари ваколатидан ишларни тақсимлаш билан боғлиқ нормалар қичарилиб, ишлар фақат автоматик равишда тақсимланишини белгилловчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бу орқали бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинишига эришилди.

Муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси номини аниқлаштириш, ундаги қоидаларга аниқлик киритиш бўйича таклифлар берилди.

Айрим нормаларга эътирозлар билдирилди

Қонун тартибидеги яна бир ҳужжат — **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси** муҳокамалар марказида бўлди.

Мажлисида таъкидланганидек, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш назарда тутилган.

Лекин ушбу қонунлар қабул қилинганидан бери ўтган давр мобайнида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмаси бериш амалиёти кузатилмади. Натижада социал, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқиш,

умумлаштириш, уларни баҳолаш бўйича тузилиши лозим бўлган жамоатчилик кенгашлари ҳам амалда ишламади.

Халқ вакилларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби такомиллаштириш, бир давлат бошқаруви органида ўқшаш ва тақорловчи вазифа ҳамда функцияларга эга бўлган жамоатчилик кенгашлари тузилишини назарда тутувчи нормалар бекор бўлишига олиб келади.

Мажлисида айрим депутатлар қонун лойиҳасининг “юки йўқ”лигини, унинг қабул қилиниши билан бирон ўзгариш бўлмаслигини, шу боис уни рад қилиш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Болаларнинг давлат органларига мурожаатлари қай тарзда кўриб чиқилади?

“Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди.

Ялли мажлисида депутатлар тегишли қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни батафсил кўриб чиқди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартишга кўра, 18 ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, Ўзбекистон Республикасидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тақиқланмоқда. Депутатларнинг фикрича, бу болалар ҳуқуқларини таъминлаш баробарида, уларни ҳар жиҳатдан

қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган қоида ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан долзарб. У билан ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланиши, бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги вазлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги назарда тутилмоқда.

Ялли мажлисида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Ақтам ХАЙТОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:



— Бугунги мажлисда қонун лойиҳалари муҳокамаси жуда қизгин ўтди. “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасининг ижтимоий аҳамияти шундаки, айнан микроқарз, микрокредит, микролизинг тушунчалари нафақат банк тизимида, балки банкдан ташқари тизим бўйича ҳам ҳажмларини оширишга қаратилгани, аниқ суммалар белгилаётгани билан аҳамиятли. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган инсонларга жудама асқатади. Микрокредитлаш кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлганларга катта ёрдам бўлади. Ушбу қонун лойиҳасини фракциямиз аъзолари тўла қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, микролизинг ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Алишер ҚОДИРОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари:



Мажлисида Мурожаатномасида аҳолимизнинг 4 миллионга яқин қисми хали етарли даражада фаровон яшай олмаётганлигини таъкидлади. Айнан шу муаммони бартараф этишда бу қонун лойиҳасининг аҳамияти жуда катта. Бугун кўп одамлар мана шу микромолия тизимларидан тўғри фойдаланиш орқали ўз ҳаётларида айрим ўзгаришларни амалга ошириш имкониятига эга. Шу сабабли биз қонун лойиҳасига партия сайловолди дастурига киритилган муқобил кредитлаш тизими нуктаи назаридан ёндашдик. Ва ушбу қонун лойиҳаси Марказий банк томонидан етарли даражада таҳлил қилинмаганини ҳамда очиб берилмаганлигини танқид қилдик.

Албатта, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга

тайёрлашда ушбу жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Улугбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Бугунги кундаги статистик маълумотларга кўра, қарийб 1 миллиондан ортиқ болаларимиз ётасидан ажралган ҳолатда ёки кимларнингдир васийлигига яшайди. Бу жуда катта рақам. Демак, биз болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилишни янада кучайтиришимиз керак.

“Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ана шу максаллар кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат билан бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланяпти. Мисол учун, Ўй-жой кодексига ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган тураржойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган бутун вақт мобайнида бронлаштириш ҳуқуқини тақдим этиш

тўғрисида киритилаётган қоида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Таъкидлаш жоиз, бугун ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳимоясини таъминлаш борасида айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Мазкур қонуннинг киритилиши Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг келажақдаги ҳаётини яхшилаш, айримларининг ота-онасидан мерос қолган мулк ҳуқуқини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутди.

Наримон УМАРОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Ялли мажлисида жуда муҳим қонунлар лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар дастлаб фракциямизда, кўмитамизда батафсил кўриб чиқилди ҳамда тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бугунги мажлисида бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганини қўллаб-қувватлади.

Мисол учун, Солиқ кодексига киритилаётган судларга фуқаролик ишлари бўйича қиритилган давволарни давлат божи тўлашдан озод қилиш тартиби

тўғрисидаги қоида ҳам, қайд этиш жоизки, болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда янада тақомилига етказиш бўйича таклифлар берилди.

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга киритилаётган ўзгартиш депутатларнинг жуда катта эътирозларига сабаб бўлди. Бу ерда айнан жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ техник ўзгартиш таклиф этилгани билан бирга, қонундаги нормалар ишламаётганига эътибор қаратилди. Уни иккинчи ўқишга тайёрлашда қатор қонуний нормаларни ўзгартириш бўйича тавсиялар берилди.



Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Самарали мулоқот давом эттирилади

Халқаро коалиция Ўзбекистон ҳукуматининг мажбурий меҳнатни йўқ қилиш борасидаги қатъиятини қўллаб-қувватлаши айтиб ўтилди. Мажбурий меҳнат муаммосининг очик тан олиниши ва ОАВДА ёритилишида сезиларли силжиш бор эканлиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф қилинаётгани қайд этилди.

Мажбурий меҳнат турли шакллари билан асосий омиллар ҳақида сўз юритар экан, Сенат Раиси Т. Нарбаева мамлакатимизда қишлоқ жойларига тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга, хусусан, пахта клас-терлари фаолияти йўлга қўйилганлигига эътибор қаратди. 2030 йилгача мўлжалланган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида аграр тармоқда бозор механизмларини босқичма-босқич ва тўлиқ жорий этиш кўзда тутилгани айтиб ўтилди. Бу эса мажбурий меҳнатнинг турли шакллари вужудга келишига сабаб бўлган шароитларни бартараф этишга хизмат қилади.

Учрашув якунида иштирокчилар мажбурий меҳнатнинг олдини олишда янада салмоқли натижаларга эришиш учун мулоқотни фаоллаштириш ва барча манфаатдор томонлар билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдиришди.

2020 йилнинг биринчи ярмида юқори палата қўмиталари нима билан шуғулланиши белгилаб олинди

Сўзга чиққан Сенатнинг қўмита раислари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қўтбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:



Олдимизга қўйилган вазифаларга, албатта, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш орқали эришишимиз мумкин. Шу боисдан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, бу жараёнда кенг жамоатчилик, асосан, маҳаллаларнинг кучидан ва таъсиридан фойдаланиш устида иш олиб борамиз.

Содир бўлган жиноятларни очиш эмас, балки маҳаллалардаги барча жамоатчилик вакиллари ишга солган ҳолда, яъни хотин-қизлар қўмиталари, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи каби тузилмаларнинг қучларини бирилаштирган ҳолда аҳолининг тинч ва оқойишта ҳаётини таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсад қилганмиз.

Шунингдек, қўмитамиз томонидан коррупцияга қарши курашишда Сенатнинг ролини кучайтириш, масъул давлат органларининг ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилади.

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш, халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва хорижий инвестицияларни жалб этишда Сенатнинг ролини янада кучайтириш қўмитамизнинг устувор йўналишлари.



Самарқанд вилоятларини танладик. Боиси бу иккала вилоятда эрта никоҳ ҳолатларининг қайд этилиши кўрсаткичи нисбатан юқори.


Ўтган йилда қўмитада муҳокама қилинган масалаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, аҳоли-



дан бири этиб белгиланди.

Шу йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилоятига чиқиб, “Туризм тўғрисида”ги Қонун ижроси ўрганилади. Бундан ташқари, қўмитамиз аъзолари томонидан вилоятга бириктирилган Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардаги Фавқулодда ва мухтор элчилари томонидан ҳамкорликдаги дастурларнинг ижроси ҳам батафсил кўриб чиқилди. Айни пайтда Россия, Беларусь Республикаси ҳамда Франциядаги

бириктирилган Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардаги Фавқулодда ва мухтор элчилари томонидан ҳамкорликдаги дастурларнинг ижроси ҳам батафсил кўриб чиқилди. Айни пайтда Россия, Беларусь Республикаси ҳамда Франциядаги




нинг санитария-эпидемиологик хавфсизлиги масалаларини ўрганишни мақсад қилдик. Бунда ҳам иккита вилоятдаги бозорлар, майиш хизмат кўрсатиш объектларидаги ҳолатлар батафсил кўриб чиқилади.

Яна бир режамиз мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро конференция ташкил этиш билан боғлиқ. Унда халқаро экспертларнинг иштироки таъминлаб, шу соҳадаги долзарб масалаларга эътибор қаратилади.

Ҳозирги пайтда барча маҳаллий Кенгашларда олий таълим муассасалари ректорларининг ҳисоботлари эштилмоқда. Шу жараёнинг якуни сифатида олий таълимдаги муаммолар ва уларга қарши курашиш масалаларига бағишланган дав-

ра суҳбати ташкил этилади.

қилинишига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, жорий йилнинг иккинчи чорагида хотин-қизлар тадбиркорлиги масалаларига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилади.



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

— Қўмитамиз томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг Қаш-қадарё вилоятида ижросини ўрганишни мақсад қилдик. Бу масала вилоятнинг турли ҳудудлари кесимида ўрганилиб, натижалар маҳаллий Кенгашларда атрофлича муҳокама

элчиларимиз мазкур ҳудудга бириктирилган. Жиззах вилоятидаги маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда элчиларнинг ҳисоботини тинглаб, экспорт салоҳияти, инвестицияларни жалб қилиш ҳолати, маъмул муаммолар таҳлил қилиниши, тегишли тартибда умумий ечимлар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

Қўмитамиз Сенатнинг парламентлараро алоқаларини янада ривожлантириш, 2020 йилда МДҲ давлатларида Ўзбекистон раислиги доирасидаги тадбирларни юқори савияда ташкил этишда фаол қатнашади.



Эркин ГАДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Қўмитамиз жойларда бюджет ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Хабарингиз бор, жорий йилдан республика бюджетни алоҳида, маҳаллий бюджетлар алоҳида бўлди. Биз бюджетнинг самарали ва муваффақиятли ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш, бунинг учун жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари салоҳиятини ошириш, уларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш учун ўқувлар ташкил этишни режалаштирганмиз.

Дастлаб тўртта вилоятда бўлиб, туман Кенгашларида иш олиб бораётган бюджет бўйича комиссиялар фаолиятини ўрганамиз. Аниқланган камчиликлар ва ўртага ташланган муаммолардан келиб чиқиб, барча ҳудудларимиз учун бюджет ижросини назорат қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Кейинчалик бу борадаги материаллар умумлаштирилиб, барча учун зарур бўладиган услубий қўлланма ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз.

Бу каби режалар ва амалий ташаббуслар орқали юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборни янада кучайтириш кўзда тутилган.

Кенгаш Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисида Кенгашнинг ваколатларига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

АҲОЛИДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ УЙҒОТИШ

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИДИР



Бу жараён давом этиб, 160 миллиондан зиёд болаларнинг 2030 йилгача оғир шариолида яшаши башорат қилинаётгани ҳар қандай кишини мушоҳадага қорлайди. Янгиликларига бефарқ бўлмасликка ундайди.

Камбағалликка барҳам бериш БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартибидан ўрин олган. Турли ҳисоб-ки-тобларга кўра, бугун мамлакатимизда кам таъминланганлар аҳолининг тахминан 12 — 15 фоизи, ўртача 4-5 миллион нафарини ташкил этади. Давлатимиз раҳбари Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни тақлиф этаркан, халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳонда камбағалликни аниқлашнинг янги индекслари шаклланимда. Оксфорд университети ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастури томонидан эълон қилинган камбағаллик ва инсон салоҳиятини ривожлантириш муаммоларига оид маърузада камбағалликка аниқлашнинг тарзда ёндашиш тугатилганлиги эълон қилинди. 2019 йилга оид глобал кўп ўлчовли камбағаллик индекси (КЎК)га кўра, даромад камбағаллигининг ягона кўрсаткичи

сифатида эътироф этилмайди, балки камбағаллик уч ўлчовда аниқланади: саломатлик учун имконият (овқатланиш, болалар ўлими), таълим (таълим олишнинг давомийлиги ва мактабларга қатнаш) ва таянч эҳтиёжлар (ёқилги, электр энергияси, санитария, ичимлик суви, мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш даражаси). Ваҳолонки, шу пайтгача камбағаллигининг энг паст кўрсаткичи — кунлик даромад 1,9 АҚШ доллари этиб белгиланган эди, холос.

БМТнинг янгидан ишлаб чиқилган методологиясига биноан аниқланган камбағал аҳоли қатламининг ундан икки қисми, яъни 886 миллион киши даромад даражаси ўртача бўлган мамлакатлар ҳиссасига ўтга келмоқда. Яна 440 миллион киши даромад даражаси паст бўлган мамлакатларда яшайди.

Мурожаатномада илгари сурилган вазифалар Ўзбекистонда ижтимоий тенгсизликни камайтириш, камбағаллик индекслари ва янги таъминчаларини аниқлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилигани кўрсатиб турибди. Аслида, охириги икки йилда қашшоқликни камайтириш ва унга барҳам бериш борасида мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Хар бир оила — тадбиркор” дастури бунга аққол мисол бўла олади. Бинобарин, мазкур дастур мазмун-моҳиятига

кўра, аҳолини тадбиркорликка кенгрок жалб қилиш орқали доимий даромад манбаини шакллантириш, турмуш даражасини кўтаришга қаратилган.

Унинг изчил ижросини таъминлаш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун 2019 йилда тижорат банклари орқали 6,2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Бироқ мазкур маблағларни ўзлаштириш, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури ижросидан давлатимиз раҳбарининг кўнгилли тўлгани йўқ. Аҳолини, энг аввало, олис ва табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда яшаётган одамларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишларини сифат жиҳатидан кўтариш, моддий шароитларини тўбдан яхшилаш бўйича қўшимча топшириқлар бериб келмоқда. Бунинг замирида аҳолини бой қилишдек эзгу мақсад бор.

Давлатимиз раҳбари қуйидаги айтганидек, “Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг микродини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу — бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйғотиш, инсоннинг ички қуч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демекдир”.

Шу маънода, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури халқимиз турмушини фаровон этиш, ижтимоий ҳўрмага муҳтож

оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қисқаси, инсонпарварлик ғояси билан суғорилган ҳаётий ҳужжатдир.

Ўртбосимиз Мурожаатномада жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш, шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микроолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат хараидларига кенг йўл очиб бериш каби дастурий вазифаларни илгари сурди. Шунингдек, аҳоли ичидан бу соҳага мойил кишилар билан тизимли иш олиб бериб, уларни қасбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш вазифаси кўрсатилиб, бу мақсадлар учун 700 миллион доллар ажратилишини алоҳида таъкидлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Вазирлар Маҳкамасига икки ой мўддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лўйиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, Ҳукумат 2020 йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратиши зарурилиги кўрсатиб ўтилди.

Сир эмас, ишсизлик камбағалликка етакловчи ижтимоий муаммолардан биридир. Қашшоқликка грифтор бўлганларнинг турмуш тарзи, ҳаёти ўрганилганда, уларнинг аксарияти тўйиб овқатланмасдан ижтимоий танг ахволда, оғир санитария шароитида яшашга мажбур

эканни ойдинлашди. Аҳолининг бу қатлами, асосан, Жанубий Осиё ва Африка мамлакатларига тўғри келмоқда. Ривожланган давлатларда ўртача даромаднинг 50 — 60 фоизидан кам маблағ ишлаб топаётганлар камбағал кишилар тоифасига киритилди. Утган ўн йилликда улар Европа Иттифоқи давлатларида 16 фоизни, АҚШда эса 13,2 фоизни ташкил этди.

Камбағалларнинг ижтимоий ҳолати бошқа барча қатлам вакилларининг фаровонлиги, барқарор ўсиш суръатига салбий таъсир этмай қолмайди. Содда қилиб айтганда, камбағалларнинг кўпайиши иқтисодий ривожланишга қатта зарар келтиради — аҳолининг товар ва маҳсулотлар сотиб олиш қобилияти камайди, жамиятнинг бирдамчилигига зарар етди, сиёсий ва ижтимоий тангликлар рўй бериши, жиноятчилик кўпайишига олиб келиши мумкин.

Қувонарлиси, кейинги пайтда бу борада умидбахш ўзгаришлар ҳам сезилмоқда: 1990 йилда жаҳондаги мамлакатларда 36 миллион аҳоли қунига 2 доллардан кам даромад ҳисобига яшаган бўлса, 25 йилдан кейин бу кўрсаткич 10 фоизга, 2018 йилга келиб эса 8,6 фоизга пасайди. Ўзбекистонда эса утган бир йилнинг ичида ярим фоизга камайди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу йўналишда зудлик билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилгани, ҳатто йирик миқдорда молиявий ресурсларнинг ажратилаётгани халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш борасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилганидан далолат бермоқда. Бундан қўзланган мақсад битта — юртимиз аҳолиси эртага ёки келажақда эмас, балки бугун бахтли ва фаровон яшасин!

Муҳимжон ҚИРФИЗБОВ, сиёсий фанлар доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Президентимизнинг 2019 йил 27 декабрь куни Тошкент шаҳридаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган учрашувда берган топшириқларига асосан, Фарғона вилояти прокурори Улуғбек Қосимов томонидан ҳар ҳафта ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Мулоқотларда асосий эътибор ёшларнинг психика таълими олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, меҳнат қилиши ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиши ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда уларга амалий ёрдам бериш масалаларига қаратилмоқда. Хусусан, Марғилон шаҳрида ўтказилган “Прокурор ва ёшлар” учрашувда шаҳарда истиқомат қилувчи таълим, маданият ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришган йигит-қизлар билан бирга, 200 дан ортиқ уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Самимий ва очиқ руҳда ўтган тадбирда ёшларнинг тақлиф ва мулоҳазалари эшитилиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, 9 нафар ишсиз ёш ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 1 нафарига ногиронлик аравачаси берилиб, 4 нафарига моддий қўмак кўрсатилди.

Масалан, учрашувда ишга жойлашишда амалий ёрдам сўраган 3. Ашуралиева

шаҳар тиббиёт берилашмасига қарашли 2-сонли оилавий поликлиникага ҳамшира вазифасига олинди.

И. Ўроқов шаҳардаги 32-умумтаълим мактабида тарих фани ўқитувчиси сифатида фаолиятини бошлади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойил ва профилактика жиҳобда турувчи 20 нафар ёшнинг ўзлари қизикқан спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари ва турли фанлар бўйича қўшимча таълим олишлари учун уларга малакали ўстоз ва мураббийлар бириктирилди.

Учрашув давомида таълим, маданият ва спорт соҳасида юқори натижаларни қайд этган ҳамда кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи 20 нафар ёш вилоят прокурори томонидан рағбатлантирилди.

Бундай учрашувлар вилоят прокурори томонидан Фарғонанинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

Комил АЛИХОДЖАЕВ, Фарғона вилояти прокуратураси бўлими бошлиғи.

25 стартап компанияси вакиллари «Сколково»да малака оширади

Мамлакатимизнинг 25 та стартап компанияси вакиллари “Сколково” инновацион марказида “Софтлендинг” дастури асосида малака ошириш учун Москвага жўнаб кетди.

“Сколково” инновацион маркази томонидан йилга уч марта — апрель, июнь, октябрь ойларида ташкил этиладиган “Софтлендинг” дастури иштирокчилари илгор давлатларнинг инновацион тузилмаси, бозор салоҳияти, хорижийнинг юқори технологик компаниялари фаолияти билан танишди.

Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар, стартап экотизимининг шиддат би-

лан ривожланаётганино инобатга олиб, россиялик ҳамкорларимиз юртдошларимиз учун навбатдан ташқари ўқув дастури ташкил қилиши диққатга сазовордир.

Бир ҳафта давом этадиган ўқув дастури давомида стартапчиларимиз олган билим, малака ва қўнималаридан ўз бизнесларини ривожлантиришда фойдаланишди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ —

ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси билан танишиб, Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осуда ҳаётини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда зимманини ҳали жуда кўп вазифалар турганини янада чуқур ҳис этдик.

Муносабат

Чунки ушбу дастурий ҳужжатда барча соҳа қатори, ички ишлар тизимидаги ислохотлар ҳам атрофлича тақлид қилинди. Галдаги режалар белгилаб берилди. Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ва уни янги босқичга кўтариш кераклиги аниқ ифода этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 29 майдаги тегишли қарори

асосида вилоят ички ишлар бошқармаси Бош бошқарма макомига алмаштирилди. Унинг таркибида 4 та минтақавий бошқарув тизими жорий қилинди.

Натижада вилоят ҳудудида ички ишлар ходимлари томонидан аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Фуқароларнинг муножаатини синқровлик билан ўргатиш, одилона ҳулоса чиқариш тизими яратилди.

Сўнгги йилларда Ички ишлар

вазирлиги тасарруфидоги бир қатор ваколат ва функцияларнинг қўйи бўғинга туширилиши уни чинакам халқий хизматга айлантиришга асос қўйди. Вазифаларни бажаришга илмий ёндашув ва илгор ахборот-коммуникация технологияларидан изчил фойдаланиш муайян ютуқларни таъминламоқда. Вилоятда бу борада ўтган йили кўпгина ишлар қилинди.

Президентимизнинг тавсияларига асосан, ўз хизмат вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажарган ходимларга янги тузилган Махсус жағмарга ҳисобидан устам ҳақ тўлаш тизими ишлаб чиқилган бизга қўшимча куч бағишлади.

Ички ишлар ходимларига берилаётган бундай эътибор бизни янада ғайрат билан хизмат қилишга ундайди.

Халқ ишончини оқлаш, Ватан тинчлиги, фуқароларнинг мол-мулкига бўлган дахлсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳотам ҚОДИРОВ, Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳибчи.

ЭЪЛОН

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Самарқанд, Қарши, Фарғона, Урганч ҳамда Нукус филиаллари

2019/2020 ўқув йилида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича битирувчиларни йўлланмалар асосида бўш иш ўринларига тақсимлаш ишларини амалга ошираётганлигини маълум қилади.

Т/р	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Битирувчилар сони	Коракалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Фарғона вилояти	Қашқадарё вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри
Бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича																
1.	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	177	19	5	7	3	7	9	2	5	5	20	35	29	19	12
2.	Компьютер инжиниринг (Компьютер инжиниринг, АТ-сервис, Мультимедиа технологиялари)	945	51	43	48	18	26	32	184	9	44	132	130	69	71	88
3.	Дастурий инжиниринг	355	42	6	17	6	12	6	31	2	11	34	59	43	28	58
4.	Телекоммуникация технологиялари (Телекоммуникациялар, Телерадиоэшиитириш, Мобил тизимлари)	677	27	17	18	16	21	17	70	3	31	41	103	48	74	191
5.	Телевизион технологиялар (Аудиовизуал технологиялар, Телестудия тизимлари ва иловалари)	131		3	5	2	6	1	2	6	15	2	13	5	31	40
6.	АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент	79	5	1	5	4	4	1	6	1	3	2	4	20	3	24
7.	Почта алоқаси технологияси	68	1		1	4	1	1	4	1	10		5	1	12	27
8.	АКТ соҳасида касб таълими	130	20	3	3	2	5	4	20	6	17	27	4	10	9	
9.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	58					5	3	3	6	1	7		8	25	
Йўналишлар бўйича жами:		2620	165	78	104	51	87	74	322	27	131	249	383	219	256	474
Магистратура мутахассисликлари бўйича																
1.	Ахборот хавфсизлиги, Криптология ва криптоанализ	21	1		1		1	1	1		1	1	5		2	7
2.	Компьютер инжиниринг (Компьютер тизимларини лойиҳалаш, Амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш, Ахборот ва мультимедиа технологиялари)	60	3	5	3	3			5	2	7	15	3	5		10
3.	«Электрон ҳукумат» тизимини бошқариш	13	1						1	1	1	3	1			4
4.	Дастурий инжиниринг	19		1			3		2	2	2	1	2			6
5.	Телекоммуникация инжиниринг (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлари, Телерадиоэшиитириш)	27	2		1		1	1	1	1		7	1	2	2	11
6.	Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлиги	5										1	2	1		1
7.	АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент	4							1			1	1			
9.	Электрон тижорат	5									1					4
10.	Электрон кутубхона ва архивлар	8								1					2	3
11.	Аудиотехнологиялар, видеотехнологиялар	6	1		1				1			1			2	2
12.	Рақамли иқтисодиёт	2					1	1								
13.	Мобил алоқа тизимлари	5						1								2
14.	Антенналар ва ўта юқори частотали қурилмалар	3							1			2			1	3
15.	Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиитириш қурилмалари	19						3								
Мутахассисликлар бўйича жами:		182	8	6	7	4	5	7	17	1	9	14	36	12	11	55
Университет бўйича жами:		2812	173	84	111	55	92	81	339	28	140	263	419	231	267	529

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уй. Телефон: 71-238-64-60. Факс: 71-235-10-40. Электрон манзил: [tuft.uz](mailto:tuft@uz)

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқловна 71-232-11-15.



Таҳриратга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.
Газетанинг қўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳрират компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмутов томонидан сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон қўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6

Хабар

ХИ